



YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/5



MUNDARIJA

12.00.01 – DAVLAT VA HUQUQ
NAZARIYASI VA TARIXI.
HUQUQIY TA'LIMOTLAR TARIXI

- | | |
|----|---|
| 6 | ОДИЛҚОРИЕВ ХОЖИМУРОД ТҮХТАМОРДОВИЧ
Қонунчиллик ҳужжатлари тизимини такомиллаштиришнинг замонавий ҳуқуқий асослари |
| 14 | МУХИТДИНОВА ФИРЮЗА АБДУРАШИДОВНА
Роль преемственности трудов Гафура Гуляма в развитии духовно-просветительских традиций будущих юристов |
| 21 | ISMOILOV BEKJON SALIOVICH
Nogironligi bo'lgan shaxslar ta'limi sohasida O'zbekiston qonunchiligini takomillashtirish muammolar |
| 31 | ШАЯКУБОВ БАБУР АХМАДЖАНОВИЧ
Стратегическое планирование: теоретические и методологические аспекты |

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY HUQUQ.
MA'MURIY HUQUQ.
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- | | |
|----|--|
| 39 | БЕКОВ ИХТИЁР РУСТАМОВИЧ
Ўзбекистонда кўп partiyaviy tizimning shaklaniishi va rivojlaniishi |
| 50 | RAKHIMOV DILMURODJON GULOMJON OGLI
Some issues of the legal status of civil servants in Uzbekistan |

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.
TADBIRKORLIK HUQUQI. OILA
HUQUQI. XALQARO XUSUSIY HUQUQ

- | | |
|----|---|
| 59 | БОЗАРОВ САРДОР СОХИБЖОНОВИЧ
Искусственный интеллект: возможна ли ответственность роботов? |
|----|---|

12.00.04 – FUQAROLIK PROTSESSUAL
HUQUQI. XO’JALIK PROTSESSUAL
HUQUQI. HAKAMLIK JARAYONI VA
MEDIATSIYA

- 70 **ХАБИБУЛЛАЕВ ДАВЛАТЖОН ЮЛЧИБОЕВИЧ**
Fuqarolik ishlari bўйича birinchi
instansiya суди xўжжатларини
takomillashahtiриш масалалари
- 81 **ҲАКБЕРДИЕВ АБДУМУРАД АБДУСАЙДОВИЧ**
Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини якunий
bosқich sifatida ihтиёriй ijro etishi
- 88 **PIRMATOV OTABEK SHAVKATOVICH**
Fuqarolik sud ishlarini raqamlashtirishda sun’iy
intellektning o’rni
- 95 **XUDOYNAZAROV DADAXON AVAZ O’G’LI**
Iqtisodiy sud ishlarini yuritishda prokuror
ishtirokining ayrim masalalari
- 101 **DAVRONOV DONIYORBEK ABDULLO O’G’LI**
Fuqarolik sud ishlarini yuritishda protsessual
majburlov choralarini tadqiq etish muammolari
- 110 **ХАЙРУЛИНА АСАЛЬ БАХОДИРОВНА**
Возникновение и развитие альтернативных
способов разрешения споров: национальный
и зарубежный опыт
- 117 **BEBUTOVA ZARNIGOR FAXRIDDINOVNA**
Fuqarolik protsessida advokat faoliyatining
dolzarb muammolari: milliy va xorijiy tajriba
- 125 **СУБХОНОВ ШЕРАЛИ МУХАММАД УГЛИ**
Некоторые вопросы совершенствования
механизма исполнения судебных решений
о взыскании алиментов
- 133 **ГАЗИЕВ ШАХРУХ МУРОДАЛИЕВИЧ**
Харбий ijtimoiy-xукуқий ҳимоя:
тушунчаси ва moҳияti
- 140 **ТОШОВ МУХАММАД РАЖАБОВИЧ**
Ўриндошлиқ асосида ishlamайдиган boşqa
ходимнинг ishga қабул қилиниши, shuningdek,
ўриндошлиқ ishi cheklanganligi sababli
meҳnat шартномасини bekor қилиш масалалari

12.00.05 – MEHNAT HUQUQI.
IJTIMOIY TA’MINOT HUQUQI

**12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.
HUQUQBUZARLIKLARNING OLDINI
OLISH. KRIMINOLOGIYA.
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI**

- 148 **SUNNATOV VOHID TOSHMURODOVICH**
Qilmishni kvalifikatsiya qilish tushunchasi,
metodologik asoslari va bosqichlari

- 156 **TOШПҮЛАТОВ АКРОМ ИКРОМОВИЧ**
Жиноят-хуқуқий принциплар: моҳият,
тушунча ва белгилар

- 166 **ALOYEV ULUG'BEK MAXMUDOVICH
ROZIMOVA QUNDUZ YULDASHEVNA**
Korrupsiyani keltirib chiqarishga ta'sir etuvchi
omillar

- 174 **АНОРБОЕВ МУРОДЖОН
РАХМАНКУЛ УГЛИ**
Общая характеристика преступлений
против правосудия

12.00.10 – XALQARO HUQUQ

- 182 **USMANOVA SURAYYO BULTAKOVNA**
The legal and institutional regulation of tourism
in the Republic of Uzbekistan: emergence and
development

**13.00.02 – TA'LIM VA TARBIYA
NAZARIYASI VA METODIKASI
(SOHALAR BO'YICHA)**

- 190 **АЗИМОВ ҲАКИМАЛИ ИМОМОВИЧ**
Амир Темурнинг тарихий мероси – инсоният
тараққиётининг муҳим омили

UDC: 3401.1(575.01)
ORCID: 0000-0003-1417-7854

ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Одилқориев Хожимурод Тўхтамуродович,
юридик фанлар доктори, профессор,
e-mail: domla5@mail.ru

Аннотация. Мамлакат ижтимоий ҳаётини тартибга солишга йўналтирилган ҳуқуқ нормалари қанчалик сифатли бўлса, аҳоли турмуш фаровонлиги шунчалик юксалиб боради. Мукаммал ҳамда пухта тайёрланган қонунларда ҳаётий ва халқчил тамойиллар устуворлик қилса, уни амалиётга татбиқ қилиш ҳам самарали кечади. Аксинча, амалга оширишининг аниқ механизмига эга бўлмаган, фақатгина умумий масалаларни ҳал этадиган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш амалда кўплаб муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Мақолада мамлакатимиз қонунчилик тизимининг норматив негизини ташкил этувчи "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги янги Қонуннинг мазмун-моҳияти, қонун ва ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг принциплари, ушбу жараённинг босқичлари, субъектлари ва амалга ошиш механизmlари таҳлил этилган. Қонунчилик ҳужжатларининг турлари таснифланиб, уларнинг хусусиятлари очиб берилган. Мазкур ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш тартиби ва ҳуқуқий механизmlарини янада такомиллаштиришга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар берилган. Талқин этилаётган Қонунда ўз аксини топган қатор янгиликлар: конституциявий қонунларнинг ҳуқуқий табиати ва мақоми, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда жамоатчилик фикрини ўрганиш, уларни турли йўналишдаги экспертизалардан ўtkазиш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобини юритиш, тартибга солиши таъсирини баҳолаш, уларнинг макон, замон ва шахслар бўйича ҳаракатланиш хусусиятлари илмий таҳлил этилган. Шунингдек, унга қонунчилик ҳужжатлари лойиҳасининг жамоатчилик экспертизаси институтини киритиш таклифи илгари сурилган.

Калит сўзлар: қонун, қонун устуворлиги, қонунчилик ҳужжатлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқ ижодкорлиги ташаббуси, қонунчилик социологияси, ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасининг жамоатчилик экспертизаси, ҳуқуқий эксперимент.

СОВРЕМЕННЫЕ ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫХ АКТОВ

Одилкориев Ходжимурод Тухтамуродович,
профессор, доктор юридических наук

Аннотация. Качество правовых норм, направленных на регулирование социальной жизни страны, по сути способствует повышению благосостояния общества. Если законы подготавливаются с учетом жизненных и гуманных принципов, то их реализация будет эффективной. И, напротив, принятие законодательных актов, не имеющих четких механизмов и предусматривающих решение лишь общих вопросов, на практике может вызывать множество проблем. В статье рассматриваются сущность и содержание нового Закона "О нормативно-правовых актах", который составляет основу системы законодательства страны, анализируются принципы законо- и нормотворческой деятельности, стадии и субъекты данного процесса, правовые механизмы реализации нормативных актов. Классифицируются виды законодательных актов, раскрываются их особенности. Формулируются предложения и рекомендации, направленные на совершенствование порядка и правовых механизмов подготовки проектов данных актов. В рассматриваемом законе содержится ряд новшеств, а именно определяются: правовая природа и статус конституционных законов,

учет общественного мнения при подготовке проектов законодательных актов, проведение их разнообразной экспертизы, ведение учета уже принятых нормативно-правовых актов, оценка их регуляторного влияния, а также научно анализируются действия данных актов во времени, пространстве и по кругу лиц. Кроме того, вносится предложение включить в данный закон институт общественной экспертизы проектов законодательных актов.

Ключевые слова: закон, верховенство закона, законодательные акты, нормативно-правовые акты, нормотворческая инициатива, законодательная социология, общественная экспертиза проектов правовых актов, правовой эксперимент.

MODERN LEGAL FRAMEWORK FOR IMPROVING THE SYSTEM OF LEGISLATIVE ACTS

Odilqoriev Khojimurod Tukhtamurodovich,
doctor of jurisprudence, professor

Abstract. The quality of legal norms aimed at regulating the social life of the country really contributes to an increase in the welfare of society. If laws are prepared taking into account life and humane principles, then their implementation will be effective. Conversely, the adoption of legislative acts that do not have clear mechanisms and provide for the solution of general issues in practice can cause many problems. The article examines the essence and content of the new law on Normative legal acts, which form the foundations of the country's legislative system, analyzes the principles of legislative and legislative activity, stages and subjects of this process, legal mechanisms of implementation. The types of legislative acts are classified, their features are revealed. Suggestions and recommendations are aimed at improving the order and legal mechanisms for the preparation of drafts of these acts. The Law under consideration contains a number of innovations, such as the legal nature and status of constitutional laws is determined, public opinion is taken into account in the preparation of draft legislative acts, their various expertise, keeping records of already adopted normative legal acts, assessment of their regulatory influence, scientifically analyzed the actions of the data acts in time, in space and in a circle of persons. Also, a proposal is made to include in the law Institute of Public Examination of Projects of Legislative Acts.

Keywords: law, rule of law, legislative acts, normative legal acts, lawmaking initiative, legislative sociology, public examination of legal acts, legal experiment.

Қонун ижодкорлиги фаолиятининг бош мақсади мукаммал ҳамда сифатли қонунларни яратишдан иборат. Демократик, адолатли қонунлар ва улар асосида чиқариладиган норматив-хуқуқий хужжатларнинг яхлит, мутаносиб тизими мавжуд бўлиши ҳамда қатъий амал қилиши бугунги кенг қамровли ислоҳотлар муваффақиятининг гаровидир. Шундан келиб чиқиб қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясини тасдиқлаш тӯғрисида”ги Фармонида норма ижодкорлиги, шу жумладан, қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини ошириш, бу жараёнда яратиладиган норматив-хуқуқий хужжатларнинг уйғунлиги, ўзаро мувофиқлиги ҳамда тизимлилигини таъминлаш борасида жиддий вазифалар, устувор йўналишлар белгиланди [1]. Ушбу вазифалар рўёби учун амалдаги қонунчилик базасини тизимлаштириш, хуқуқий тартибга солишини янги савияга кўтариш, қонунчилик

хужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш жараёнлари самарасини ошириш мақсадида “Норматив-хуқуқий хужжатлар тӯғрисида”ги янги Қонун қабул қилинди (2021 йил 20 апрель) [2].

Мазкур Қонун ваколатли давлат органдари томонидан қонунчилик хужжатларини чиқариш асослари ва уларнинг тартибга солиши предметини аниқ белгилаш, норматив-хуқуқий хужжатларни лойиҳалаштириш ва расмийлаштиришда юридик техника, хусусан, қонунчилик техникаси талабларига риоя этилиши, хуқуқий нормаларнинг амалга ошиш механизmlарига эга бўлишини таъминлаш, уларнинг нисбати ва таснифланишини хуқуқий жиҳатдан асослашга йўналтирилганлиги билан эътиборга молиқдир.

Қонуннинг энг муҳим хусусияти шундаки, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридаги фармонида ифодаланган янги ғояларни ҳаётга жорий қилишга қаратилган. Булар – норма ижодкорлиги жараёнига “ақл-

ли тартибга солиш” моделини жорий этиш орқали унинг сифатини тубдан ошириш; қонунларнинг сўзсиз устуворлиги, уларнинг тўғридан-тўғри ишлаш механизмларига эга бўлиши ҳамда уларда ҳаволаки нормаларнинг имкон қадар истисно этилиши; идоравий норматив-хукуқий хужжатлар кўламининг кескин қисқартирилиши, норматив-хукуқий хужжатларнинг тизимлаштирилиши каби ғоя ва талаблардан иборат. Қонуннинг амалий аҳамияти қўйидагилар билан изоҳланади: биринчидан, жамиятда қонун устуворлиги таъминланишига алоҳида урғу берилган, зеро, қонун хукуқнинг асосий шакли (манбаи) бўлганлиги боис қонун воситасида галдаги хукуқ англаб етилади [3]; иккинчидан, мамлакатдаги норматив-хукуқий хужжатлар хукуқ ижодкорлиги ва хукуқни қўллаш жараёнларини тартиблаштиришни таъминлайди [4 ва 3].

Таҳлил этилаётган Қонунда норма ижодкорлиги фаолиятининг қўйидаги принциплари мустаҳкамланган: конституциявийлик, қонунийлик, жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуқлари ҳамда қонуний манфаатлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг устуворлиги, халқаро хукуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари устуворлиги, ошкоралиқ, илмийлик, ижтимоий муносабатларни хукуқий жиҳатдан тартибга солишнинг тизимлилиги ва комплекслилиги ҳамда ижтимоий муносабатларни хукуқий тартибга солишнинг барқарорлиги каби (5-модда).

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими қўйидаги турдаги норматив-хукуқий хужжатларни ўз ичига олади: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, конституциявий қонулар, қонулар, мамлакат Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг қарорлари ҳамда буйруқлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарорлари.

Мамлакатимиз қонунчилиги мазмуни Қонуннинг 7-моддасида очиб берилган: “Норматив-хукуқий хужжатлар қонунчилик хужжатлари бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизимини (таъкид бизники

– X.O.) ташкил этади. Олимларнинг умумий эътирофига кўра, қонунчилик тизими – қонунчиликнинг структуравий тузилиши бўлиб, норматив-хукуқий хужжатлар ва қоидаларнинг қонунчилик соҳалари ва институтларига уюшган барқарор гурухланишида ўз аксини топади ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи хукуқий нормаларнинг ўзаро ички алоқадорлигига асосланган муштарак йиғиндиси сифатида майдонга чиқади. Қонунчилик хужжатларининг ягона тизимга бирикишида уларнинг юридик кучи асосий мезон вазифасини ўтайди [5, 28-б; 6, 206-б.].

Бироқ таҳлил қилинаётган янги Қонунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонун ҳужжатларидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонуности ҳужжатларидир” [2].

Шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, мазкур моддада “Олий Мажлис палаталарининг қарорлари қонун ҳужжатларидир” деган қоида мустаҳкамланган. Бу қоида юридик жиҳатдан ҳам, назарий жиҳатдан ҳам мақбул эмас. Аввало, палаталарнинг қарорлари соғ юридик маънода “қонун” эмас. Иккинчидан, “қонун ҳужжатлари” атамаси назарий жиҳатдан тамомила мантиқсиз сўз бирикмасидир. Таассуфки, “қонун ҳужжатлари” атамаси қарийб чорак асрдан зиёд вақт мобайнида расмий хужжатларда, хукуқий-сиёсий лекцийонимизда кенг қўлланиб келинмоқда.

Хўш, ушбу атама тилимизга қачон ва қандай кириб келди? Мустаҳкилликка эришилгач, кўплаб русча сўзларнинг ўзбекча таржимасини излашга киришилди. Шу жараёнда “законодательные акты” сўзларининг номақбул таржимаси сифатида “қонун ҳужжатлари” ибораси пайдо бўлди. “Қонун ҳужжати” атамасининг мантиқсизлиги, нотўғрилиги нимада? “Қонун ҳужжати” сўзлари рус тилида “документ закона” тарзида маъносиз жаранглайди. Ўзбек тилида ҳам бу ибора – маъносиз. Аслида, қонуннинг ўзи ҳужжат ҳисобланади. Ҳар сафар унинг

хужжат эканлигини таъкидлаш шарт эмас. Бу борада теранроқ фикр юритилса, қонундан ташқари унинг яна қандайдир хужжати бордек маъно чиқади. Яна бир мулоҳаза: фараз қилайлик, башарти, “қонун хужжати” ибораси тўғри бўлса, унда нега “фармон хужжати”, “қарор хужжати” ибораларини қўлламаймиз?

Мухтасар қилиб айтганда, қонун, фармон ва қарор ҳам норматив-хуқуқий хужжатларнинг алоҳида турларидир (қаранг: “Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси). Демак, юқорида таъкидланганидек, норматив-хуқуқий хужжатлар мужассам ифодалаганда – қонунчилик хужжатлари бўлиб, улар қонунлар ва қонуности хужжатларига бўлинади (7-модда) [2]. Шу боис амалдаги расмий тилимизда “қонун хужжати” ибораси ўрнига “қонунчилик хужжати” иборасини ишлатишимиш ўринли бўлади [5, 16 б.].

Афсуски, “Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги янги қонунда “қонун хужжатлари” ибораси 12 марта учрайди (қаранг: 7-, 11-, 14-, 20-, 30-, 57-моддалар). Қонуннинг 57-моддасида “қонун хужжатлари”, 59-моддасида эса “қонунчилик хужжатлари” деган иборалар ишлатилган [2]. *Бизга кейинги ифода маъқул.*

Тавсиф этилаётган муаммо борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон “Қонунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ибратлидир [7]. Фармонда қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, хукумат қарорлари қонунчилик хужжатлари маъносида ишлатилиши таъкидланган. Демак, Фармонда “қонун хужжатлари” деган ибора бирор марта ҳам қўлланмаган. Бу тўғри йўналишdir.

Қонунда амалиётда муаммоли бўлиб келаётган яна бир масала ўз ечимини топди, яъни конституциявий қонунларнинг хуқуқий мақоми аниқ белгиланди. Хусусан, унда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзgartиши ва қўшимчалар киритилишини назарда тутувчи қонунлар конституциявий қонунлар тарзида қабул қилиниши қатъий белгилаб қўйилди. Ушбу қоиданинг киритилиши, ўз навбатида,

конституциявий қонунларни қабул қилиш амалиётига аниқлик киритди ҳамда Конституцияга тузатишлар киритилишини назарда тутувчи қонунларга конституциявий қонун мақомини берди.

Айни вақтда, қонунда ҳуқуқий принциплар ва нормаларни мустаҳкамловчи, бирлаштирувчи, тизимлаштирувчи, шунингдек, ижтимоий муносабатлардаги энг муҳим соҳаларнинг комплекс ҳуқуқий тартибга солинишини таъминловчи қонунлар кодекслар тарзида қабул қилиниши мумкинлиги белгилаб қўйилди (9-модда).

Шу ўринда биз Қонундаги 3-модданинг қуйидаги муқаммалроқ таҳририни таклиф қиласиз: “Норматив-хуқуқий хужжатлар ваколатли давлат органлари томонидан Конституцияга мувофиқ қабул қилинган давлатнинг умуммаҗбурий талаби (амри) сифатида ҳуқуқий нормаларни ўрнатишига, ўзгартишига ёки бекор қилишга қаратилган расмий хужжатдир”. Юқорида таъкидланганидек, Қонуннинг 5-моддасида асосий принциплар санаб ўтилган. Аммо улар қаторида қонун устуворлиги принципи эътироф этилмаган. Фикримизча, ушбу муҳим принцип ҳам 5-моддада акс этирилса, 8-моддада Конституциянинг 15-моддасидаги [8] қоидани тақорглашга ҳожат қолмас эди.

Қонунда ижтимоий муносабатларни қонуности хужжатлари воситасида тартибга солиш доираси ҳам белгиланди. Унинг 11-моддасида “Қонуности хужжатларида қонун даражасида тартибга солиниши лозим бўлган масалалар бўйича нормалар белгиланишига йўл қўйилмаслиги” мустаҳкамланди. Шунингдек, ушбу моддада яна бир муҳим мезонни эътироф этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яъни “Инсон хуқуқлари ва эркинликларига дахлдор барча масалалар (уларни чеклаш ёки кенгайтириш) фақат қонун воситасида амалга оширилади”. (Айтиш жоизки, бундай қоида аксарият Европа мамлакатларида амал қиласи ва инсон хуқуқлари устуворлигини ифода этади). Фикримизча, мазкур қоида қонунларнинг нуфузини оширишга, уларнинг устувор бўлишини таъминлашга бевосита хизмат қилган бўлар эди [9].

Айни шу Қонунда бугунги кунгача баҳс ва мунозара га сабаб бўлиб келаётган муҳим бир

масалага ойдинлик киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти қайси масалалар бўйича фармон, қайси масалалар юзасидан эса қарор чиқаради. Бу умумий тарзда Конституцияда белгиланган: Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституция ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун худудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқарди (94-модда). Юқоридаги саволга дастлабки жавоб қуйидагича бўлиши мумкин: Президент – давлат бошлиғи сифатидаги ваколатларининг амалга оширилиши бўйича фармон, ижро ҳокимияти мазмунига оид, Вазирлар Маҳкамаси ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича хуқуқий ҳужжат чиқарганда, у қарор тарзида бўлади [10]. Шу боис Қонуннинг 12-моддасида Президент фармонлари ва қарорларининг предмети аниқ ифодалаб берилса, нур устига нур бўлар эди.

Қонунчилик амалиётимизда “идоравий меъёрий ҳужжатлар” деган категория кўп учрайди. Ушбу тоифадаги ҳужжатларга Қонуннинг 14-моддаси бағишлиланган бўлиб, у “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари” деб номланган. Фикримизча, мазкур моддани “Вазирлик ва давлат қўмиталарининг норматив-хуқуқий ҳужжатлари” деб номлаш тўғрироқ бўлар эди. Зеро, Конституциямизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида “идора” деган тузилма назарда тутилмаган, амалдаги қонунчилигимизда ҳам “идора” (“ведомство”)нинг таърифу тавсифи берилмаган. Тасаввуримизча, қонун чиқарувчи орган “идора” тушунчаси остида “департамент”, “инспекция”, “агентликлар” ва бошқа тузилмаларни назарда тутган бўлса керак. Аммо 14-модданинг мазмунига кўра, улар норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли бўлмаслиги лозим.

Мазкур моддада таъкидланганидек, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, агар уларга қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ёки ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солиш бўйича ваколатлар берилган бўлса,

норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши мумкин. Эҳтимол, ушбу норма Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепциясида акс этган ғоялар асосида шакллантирилган [11]. Фикримизча, вазирликлар, давлат қўмиталари ва мансабдор шахсларга норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ваколати фақат Конституция, конституциявий қонун ёки маҳсус қонун билан берилиши ўринли бўлади. Шунингдек, ушбу модданинг V қисмида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқ ҳамда қарорлари бошқа тегишли субъектлар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкинлиги кўрсатилган. Ўйлашимизча, бу қоидани чиқарип ташлаш мумкин. Зеро, 30-моддада лойиҳаларни келишиш масалалари ўз ифодасини топган [2].

“Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунда ўзининг батафсил ифодасини топиши лозим бўлган жиддий масалалардан бири – бу хуқуқ ижодкорлиги ташаббуси ва унинг субъектлари масаласидир. Бироқ янги Қонунда ушбу муҳим институт етарлича ечим топмаган. Аввало, тегишли моддада қонунчилик ташаббуси хуқуқи билан қонуности ҳужжатлар бўйича ташаббус кўрсатиш институтини аниқ фарқлаб тавсифлаш лозим эди (20-модда). Масалан, Президент фармон ва қарорлари ҳамда Хукумат қарорлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари бўйича хуқуқ ташаббускорлигининг субъекти кимлар бўлиши мумкин? Ушбу норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш ва тақдим этиш механизмлари қандай? Улар қай тарзда амалга оширилади? Бу саволлар очиқ қолган.

Қонундаги 20-модданинг “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни ташаббус қилиш” деб номланиши ўзбек тили нуқтаи назаридан муваффақиятли чиқмаган. Хусусан, ўзбек тилида “ташаббус қилиш” деб гапирилмайди. “Ташаббус қилиш” сўз бирикмаси тилимизнинг салоҳияти ва гўзал имкониятларига соя солади. Чамаси, мазкур модда “Норматив-хуқуқий ҳужжатларни яратиш соҳасидаги хуқуқ ташаббускорлиги ва унинг субъектлари” деб номланса, ўринли бўлар эди. Модданинг амалдаги мазмуни қуйидагича баён этилган: “Ўзбекистон Республикасининг қонунлари (таъкид бизники –

Х.О.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини тайёрлашни ташаббус қилишга фақат, башарти, давлат органларида кўтарилаётган масалалар ёки муаммоларни қонунчиликда назарда тутилган механизмлар ва маъмурий тартиб-таомиллар орқали ҳал этиш ваколатлари мавжуд бўлмаса, йўл қўйилади. Жисмоний ва юридик шахслар тегишли давлат органларига норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш тўғрисида таклифлар киритишга ҳақли [2].

Қонун ва хукуқ нормалари ижодкорлиги жараёнида социологик таҳлил ва тадқиқотларга кенг ўрин берилиши бугуннинг кучли талабидир. Зеро, хукуқий норма ижодкорлигининг дастлабки босқичидан охиригача, яъни хукуқий-норматив хужжатни яратиш ғояси пайдо бўлишидан тортиб (муайян ижтимоий муносабатларни хукуқий тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни аниқлашдан тортиб) токи уни расман юридик норматив тарзда ифодалаш, тегишли хужжат шаклида расмийлаштириш, қабул қилиш ва амалий ҳаётга жорий этишгача бўлган барча хатти-ҳаракатлар (фаолият) хукуқий социология нуқтаи назаридан ўрганилиши, теран таҳлил этилиши катта самара бериши мумкин. Бунда, энг аввало, хукуқ ижодкорлигига таъсир этиши мумкин бўлган иқтисодий (моддий), сиёсий, ижтимоий, маънавий-мағкуравий, маданий ва бошқа ижтимоий омил (фактор)лар имкон қадар тўла инобатга олиниши, яратилажак норматив-хукуқий хужжатлар жамият ривожланишининг объектив қонуниятларига, тараққиёт эҳтиёжларига мос ҳамда жамият ҳаёти билан уйғун бўлишига, халқимиз онги ва руҳиятига осон сингишига жиддий эътибор қаратиш лозим.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, Қонуннинг 23-моддасида норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳасини тайёрлашда жамоатчилик фикрини ўрганиш билан бир қаторда мазкур жараёнда кенг қамровли социологик тадқиқотлар ўтказилиши, унинг хукуқий механизмларини назарда тутиш фойдадан холи бўлмас эди. Шундай мазмундаги норманинг қонунчилигимизга киритилиши хукуқий амалиётимизда ниҳоятда муҳим янги институт

бўлмиш қонунчилик социологияси ривож топишига кенг йўл очиб берган бўлар эди.

Қонунда норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳасини тайёрлаш (21-модда) ва норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳасини тайёрлашни ташкил этиш (22-модда) масалалари ўрин олган. Ушбу моддаларнинг умумий мазмуни том маънодаги (классик) қонун нормасини эмас, балки норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳасини тайёрлаш бўйича йўриқнома ёки услубий қўлланма қоидаларини эслатади. Бундай моддаларнинг қонунга киритилишининг сабаби (мақсади) маълум: қонунлар ва бошқа қонунчилик хужжатларида ҳаволаки нормаларни истисно этиб, уларни бевосита, тўғридан-тўғри амал қиласиган хужжат бўлишига эришишdir.

Бироқ мазкур мақсадга эришишга бўлган интилиш жараёнида мавжуд ижобий тажрибадан, жумладан, асрлар мобайнида шаклланган, сайқал топган қонуншунослик илми ютуқлари ва қонунчилик техникасининг анъанавий талабларидан чекиниш ўринлимикин. Бу ўринда ижобий тарихий тажриба билан замонавий инновацияни оқилона уйғунлаштириш катта самара бериши шубҳасизdir.

Қонуннинг 21-моддасида норматив-хукуқий хужжат лойиҳасини тайёрлаш босқичларидан бири сифатида хужжатнинг “тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиш” белгиланган. Фикримизча, бундай баҳолашни пухта ташкил этилган социологик тадқиқотларсиз ва тегишли хукуқий экспериментсиз амалга ошириш мушкул. Маълумки, хукуқий эксперимент – норматив-хукуқий хужжатларнинг пухта ва сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда самарали амал қилишининг муҳим кафолати ва механизмидир [12]. Шундай бўлсада, Қонуннинг мазкур моддасида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги “Қонун хужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор билан асос солинган хукуқий механизмларни [13] қонун даражасида муҳрлаб, барча қонунлар ва қонуности хужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш (ТСТБ)нинг ягона тизими ва босқичлари мустаҳкамланган [14].

Норматив-хукуқий хужжат лойиҳасини тайёрлашни ташкил этишига бағишлиланган мод-

дада эса (22-модда) лойиҳаларни тайёрлашга доир ишларни мувофиқлаштириш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши белгиланган. Бу ўринда хуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрловчи субъектларга Вазирлик томонидан *методик ёрдам* кўрсатилиши вазифасини ҳам назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қонуннинг алоҳида боби (25–29-моддалари) норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини хуқуқий-иқтисодий, молиявий, илмий, экологик ва коррупцияга қарши экспертизалардан ўtkазиш масалаларига бағищланган. Бундай экспертизаларнинг муҳимлиги қўп йиллардан бери илмий адабиётларда таъкидлаб келинар эди [15]. Шунингдек, Қонунга норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини *жамоатчилик экспертизасидан* [16] ўtkазиш тартиби ва механизmlарини белгиловчи янги моддани киритиш ўринли бўларди, деб ҳисоблаймиз.

Қонунда ўз аксини топган муҳим масалалардан бири норматив-хуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўtkазиш ва ҳисобини юритиш тартибининг мустаҳкамланганлигидир (37-модда) [2]. Бу масала илгари Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган низом [17] ва Адлия вазирлигининг 2000 йил 16 октябрдаги 124-сон бўйруғи билан тасдиқланган “Идораий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидалари” асосида ҳал этилар эди [18]. Энди бу Қонуннинг мавзусига айланди. Профессор А.С. Пиголкин норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш мавзусида

тадқиқотлар олиб бориб, уларнинг журнал ва автоматлаштирилган (яъни электрон) ҳисобини юритишдек функционал турларини таклиф этган эди [19]. Бу фаолият ҳам долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Шунингдек, Қонуннинг 42–44-моддаларида норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг мақонда, вақт бўйича ва шахслар доираси бўйича амал қилишига оид хуқуқий механизmlар мустаҳкамланган. Бу жиҳатлар норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлашда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бундан қарийб юз йил мукаддам машҳур хуқуқшунос профессор Г.Ф. Шершеневич қўйидагиларни ёзган эди: “Қонун фуқароларнинг хулқ-авторини белгиловчи норма сифатида ўз амал қилишининг бошланиш ва якунланиш моментларига эга. Қонуннинг қачондан бошлаб қўлланиш ва қаҷон тўхтатилиши амалий жиҳатдан фавқулодда муҳимdir” [20].

Шундай қилиб, “Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги янги Қонун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг хуқуқий жиҳатдан самарали таъминланиши, мавжуд қонунчилик ҳужжатларининг ўзаро мутаносиб тизим сифатида амал қилиши, мавжуд хуқуқий-норматив базани тизимлаштириш, норма ижодкорлиги жараёнларига “аклли тартибга солиш” модели элементларини жорий этиш, пировардида, мазкур фаолиятни янги сифат даражасига кўтаришга хизмат қиласи, деб умид билдириш мумкин.

REFERENCES

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “Norma ijodkorligi faoliyatini takomillashtirish Konsepsiyasini tasdiqlash to’g’risida”gi 2018-yil 8-avgustdagي farmoni. Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 08.08.2018 y., 06/18/5505/1639-son; 09.11.2019 y., 06/19/5870/4010-son; Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 30.04.2021 y., 06/21/6218/0398-son.
2. “Normativ-huquqiy hujjatlar to’g’risida”gi yangi Qonun. Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 20.04.2021 y., 03/21/682/0354-son.
3. Marchenko M.N. Problemü teorii gosudarstva i prava. Moscow, 2015, p. 565.
4. Obùaya teoriya gosudarstva i prava: Akademicheskiy kurs. T. 2. Otv. red. prof. M.N. Marchenko. M., 2012. S. 138–142.
5. Odilqoriev X.X. O’zbekiston Respublikasining qonunchilik tizimi. Toshkent, Al-faba servis, 2008, pp. 16.
6. O’zbekiston milliy ensiklopediyasi. T. 12. Toshkent, “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” davlat ilmiy nashriyoti, 2006, p. 206.

7. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Qonunchilik hujjatlari ijrosini samarali tashkil etishda davlat boshqaruvi organlari va mahalliy ijro etuvchi hokimiyat organlari rahbarlarining shaxsiy javobgarligini kuchaytirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi 2021-yil 10-fevraldagi PF-6166-son Farmoni. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 11.02.2021 y., 06/21/6166/0101-son).

8. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. <https://lex.uz/docs/20596>.

9. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasining Milliy strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi Farmoni // Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 23.06.2020-y., 06/20/6012/0953-son; Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 30.04.2021-y., 06/21/6218/0398-son, 24.07.2021-y., 06/21/6269/0704-son.

10. X.T. Odilqoriev. Prezident farmonlarining huquqiy tabiat. // Hayot va qonun, 1994, No. 4.

11. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida Ma'muriy islohotlar konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi farmoni // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017-y., 37-son, 979-modda; Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 19.01.2018-y., 06/18/5304/0591-son; 03.03.2018-y., 06/18/5329/0846-son; 04.05.2018-y., 06/18/5428/1158-son, 25.05.2018-y., 06/18/5447/1269-son, 07.06.2018-y., 06/18/5456/1316-son, 08.06.2018-y., 06/18/5457/1324-son, 11.07.2018-y., 06/18/5475/1489-son, 14.07.2018-y., 06/18/5477/1505-son; 01.08.2018-y., 06/18/5496/1603-son, 01.08.2018-y., 06/18/5497/1604-son, 28.08.2018-y., 06/20/5526/0983-son; 11.12.2019-y., 06/19/5892/4134-son; 19.03.2020-y., 06/20/5968/0331-son; 17.03.2021-y., 06/21/6188/0216-son.

12. Toychiev N. Yangi O'zbekistonda qonun ijodkorligi faoliyatni tubdan oshirish islohotlarni huquqiy jihatdan ta'minlashning muhim omili // Yangi O'zbekiston. 2021-yil 7-may.

13. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Qonun hujjatlarining tadbirkorlik faoliyatiga ta'sirini baholash tizimini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 2014-yil 2-dekabrdagi 328-son qarori // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2014 y., 49-son, 581-modda; 2015 y., 26-son, 338-modda.

14. Qalandarov D., Safarov J. Qonun ijodkorligi sifatidagi islohotlar samaradorligining muhim omili. // "Yangi O'zbekiston", 2021-yil 13-may.

15. Qonunchilik hujjatlarini ekspertiza qilish muammolari. Mas'ul muharrir F.H. Otaxonov. Toshkent, 2005.

16. Mazkur institutning ahamiyati va mohiyati haqida batapsilroq qarang: Odilqoriev X.T. "Qonun loyihibalarining jamoatchilik ekspertizasi: mohiyati, mexanizmi va shakllari" // Davlat hokimiyati va huquqiy tizimni demokratlashtirish. Ilmiy to'plam. Toshkent, 2014, pp. 40-50.

17. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Vazirliklar, davlat qo'mitalari va idoralar me'yoriy hujjatlarining qonuniyligini ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida"gi 1997-yil 9-oktyabrdagi 469-son qarori // 21-band O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2013-yil 7-dekabrdagi 323-sonli qarori tahririda. O'R QHT, 2013 y., 50-son, 650-modda

18. O'zbekiston Respublikasi Adliya Vazirining Idoraviy me'yoriy hujjatlarni tayyorlash va qabul qilish qoidalarini tasdiqlash to'g'risidagi 2000-yil 16-oktyabrdagi 979-son buyrug'i // <https://lex.uz/docs/828719>

19. A.S.Pigolkin A.S. Podgotovka proektov normativnûx aktov. Moskva, 1968, p. 28.

20. Shershenevich G.F. Obùaya teoriya prava. Vûp.2. Moskva, 1911, p. 397.